## ПОЙКАДАМ

Биз бугун — Яратганнинг инояти билан элу юртимизга насиб этган Мустакиллик замонида ўз диёримиз, тупрогимиз тарихини билиш, идрок этиш билан хам ўзлигимизга кайтмокдамиз. Шу идрок асносида шаъну шавкати оламни тутган улуг аждодларимизнинг киндик кони тўкилмиш табаррук тупрок олдидаги Карзу Бурчимизни, Фахру Гуруримизни хам тобора теранрок англаб бормокдамиз.
Ватан тушунчаси нима? Ватан туйгусини сўз билан ифодалаш мумкинми?
Тарихи “Авесто”дан карирок, йилномаси бут-санамлар, кушонлардан хам кадимийрок, энг кўхна манбаларда “Оламнинг тўртинчи мамлакати”, “Туги баланд эрлар юрти” деб ном козонган бу мўътабар кишварнинг донги идрок етиб бормас узок замонлардан буён оламга маълум ва машхурдир.
Бу тупрокда тепалар кўп, бир-бирига туташиб елкама-елка бўлиб кетган кирлар бисёр. Биз ўйлаймиз: балки булар тепалар-кирлар эмасдир — шиддатли замонларда ёвлар йўлига гов, калкон бўлган шаъну шавкатли, ор-номуси баланд мард ва ботир ўглонлардир?
Тарихий томирлари эрамиздан аввалги III — I асрларга бориб такалган бу кўхна замин учун не-не пахлавонлар жонларини фидо килмадилар.
Сохибкирон Амир Темурдек зотлар бир неча бор зиёратга келган, улуг Жахонгирнинг хоки пойлари колган ерлар саждагохдек мукаддас эмасми? Момоси Сароймулкхонимнинг кўлларидан тутганча беш яшар бола, улуг мунажжим Мирзо Улугбек само оламининг илк сир-асрорини кўнглига жойлаган бўлса не ажаб.
Дунёлару осмонлар кадар маъни, хикматлар нихон эмасми бу зиёратларда?
Хадис сўйлаб, бутун исломият дунёсини шуълавор этган, паткалами рўйи заминга нур таратган улуг Абу Исо ат-Термизийдек шариф зотларнинг кўнгил нуридан, маърифат машъалидан рухий ва маънавий олам хозирга кадар мунаввардир. Бу тупрокда майсалар хадис айтиб уйгонадилар.
Эрондан тортиб то Ўрта Ер денгизигача бўлган ерларда хукмронлик килган Ахмонийлар подшоси Кир лашкарлари билан жангларда Тўмариснинг кўрсатган кахрамонликлари, ўз фарзандини курбонликка бериб, Ватан учун, элу юртнинг шаъну шарафи йўлидаги шижоати асрлар оша тилларда, элларда, ривоятлару асотирларда достонга айланди. Кир билан бўлган яккама-якка олишувда Тўмариснинг галабаси — ватанпарварликнинг олий тимсоли. Афсоналарга айланган бу хакикатнинг замирида хозирги авлодлар, неча-неча асру замонлар фахрланса арзигулик сўнмас матонатнинг бетимсол намунаси ётибди. Баъзи ривоятлар, афсоналарда Тўмарис номи Тоирус шаклида келтирилади. Бунинг хозирги Термиз сўзи билан уйкашлиги, охангдошлиги хам ажиб.
Шу диёр фарзандларининг ботирлигини мадх этувчи, олис аждодлар кахрамонлигининг узвий давоми сифатида “Алпомиш”дек улугвор достонлар рўёбга келгандир.
“Алпомиш” — баходирлик, мардлик, ор-номус ва матонат достонидир. Уни халк фарзандлари мехр-мухаббатининг, садокату диёнатининг олий намунаси деб бахолаш жоиз. Бу юксак инсоний туйгулар хар качонгидан хам заруррок, долзарброк бугунги кунимизда юрт фарзандлари ўз калбларини шундай аждодий куёшларга каратиб

нурлантирмоклари лозим бўлади. Мардлик маълум бир замон ё давр учун белгилаб берилмайди. Мардлик, матонат — мангу тушунчалардир ва бугунги алгов-далгов дунёда, она Ўзбекистонимизга хайрихохлик билан бокаётганлар каторида гайри максадларда олайиб караётган, иложини топса хар лахза, хар соатда тинч хаётимизга халал беришга, тажовузкорликка тайёр кора кучларни енгмок учун хам, оналаримиз, опа-сингилларимиз, фарзандларимизнинг нури дийдаси бўлмиш гўзал Ватанимизни кўз корачигидек асраб-авайламок учун хам бу юксак туйгулар нихоятда керакдир. Термиз кўксидаги ёвкур ва шиддаткор Алпомиш хайкали хам юрт фарзандларини шундай фидоийликка, шижоат ва гурурга даъват килаётгандек.
Ватан буюм ва ё бир нарса эмас. Ватан бировга берилмайди, бировдан олинмайди хам. Аждодлар ва авлодлар хакида гап кетар экан, Термизнинг инсоният тамаддуни, умумбашарий маънавият ривожига кўшган хиссасини алохида таъкидламок лозим. Оламга ал Хаким Термизий, Абу Исо ат Термизий, Хожа Самандар Термизий, Адиб Собир Термизий, Носир Хисрав сингари неча-неча улуг зотларни берган Термиз чирокларининг мунаввар нурлари, иншооллох, тоабад порлаб тургай.
Хозирги Термизнинг ораста ва саришталиги “Алпомиш” достони, шахарнинг 2500 йиллиги саналарини нишонлаш муносабати билан мамлакат Президентининг пойкадами хосияти сифатида эл огзида колди.

Танти полвонлар юрти, дарёдай тошкин бахшилар диёрида аждодлар рухи хамиша уйгок. Озод диёримизнинг кадимий, айни пайтда навкирон, гўзал ва кўркам бир тимсоли бўлмиш Термизнинг истикболи янада порлок. Бу — бахту икбол, орзу ва умидлар, пок ниятлару юксак амаллар, ор номус ва шаъну шараф шахри бўлиб колажак.

**Ака-ука шахарлар, ака-ука шоирлар**

Хар кандай сафар, сайру саёхатнинг ўз бахонайи сабаби бўлади. Бу галги сафаримизни биз хам дийдорлашув, хам зиёрат, хар кун янгиланиб бораётган диёримизнинг энг жанубий гўшасига бир ижодий юриш деб бахоладик. Бунга — олтмиш бахорни каршилаб хам бир тола сочи тўкилмаган, Сурхон вохасининг эл аро машхур, камтарин ва тортинчок шоири Шафоат Рахматулло Термизийнинг ижодий кечасини ўтказмок бир бахона бўлди. Яна етти мингга якин талабаси бор, мамлакатнинг энг катта илм даргохларидан бўлмиш Термиз Давлат университетида юрт туйгуси, ватанпарварлик, илм-тарбия мавзулари доирасида ижодкорларнинг талаба ёшлар билан учрашувлари хам ниятда бор эди. Шу хаяжонлар билан Тошкент аэропортига келдик. Сафаримиз рахбари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, устоз Абдулла Орипов халк шоири Усмон Азимга “Кани, Усмонбой, бошланг энди! деб тавозе килдилар. Усмон Азим ўз ўрнида “Ўзингиздан! Ўзингиздан! дегандан сўнг, хаммамиз ичкарига кирдик. “Термизгами?” дегандан кейин Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице президенти домла Тўра Мирзаев устозга ишора килиб, бизга секин шивирладилар: “Авлиё шоиримиз билан авлиёлар юртига учарканмиз-да!” Бу иктибосдан Эшкобил Шукур хаяжонланиб кетди. Бахшинафас шоир Рустам Мусурмоннинг кўзлари чакнай бошлади. Кутиш вакти тугагач, тайёрага чикилди.

Хаво маликаси Маликахон назокат билан хаммани жойлаштиргач, дастхат олиш харакатига тушиб колди. Гангир-гунгур гурунг бошланди.
Домла билан Абдулла аканинг тил, тарих, адабиёт хакидаги сухбатларидан хазрат Алишер Навоий билан Термизга боглик бир янгиликни илгаб олдик. Буни карангки, Мир Алишер бобомиз Зараутсой горини, унинг деворларида кадим аждодларимиз чизиб колдирган суратларни ўз кўзлари билан кўрган эканлар. Буни ўзлари бир достонларида айтиб ўтган эканлар. Биз ўкимаган эканмиз, хаммамиз хайратланиб колдик. Усмон ака хазиллашиб вазиятни юмшатиб берди: “Алишер бобомиз Самаркандга кетаётиб, Термизни хам бир томоша килай  деган эканлар-да!” Бу сухбатлар кейин Тошкентда, ёзувчиларнинг Ўзбекистон Давлат тарих музейидаги давра сухбати чогида музейдаги махобатли Зараутсой гори тасвири олдида хам давом эттирилади.
Бир ярим соатлар чамаси учганимиздан сўнг, тайёрамиз энкая бошлади. Дехконободу Бойсун тоглари ортда колди. Бир махал пастда, кенг сахро кўйнида ястаниб, мавжланиб ётган кўм-кўк Учкизилни кўриб Рустам Мусурмон халоватини йўкотди: “И-и, ака, кўл бор экан, ана кўл!” Сўнгра аста босилиб, нимагадир Шахрисабзни эслади. Даврий саналарни ичида хисоб-китоб килиб, чогиштириб олди шекилли, ўзининг тарихий кимматга эга шоирона хулосасини айтди: “Шахрисабз билан Термиз ака-ука экан!
Хали ерга кўнмасимиздан Сурхон вохасининг бахорий хавосини сеза бошладик. Самолёт пастлаб, яна бир давра олгандан кейин Термизнинг уйларию кўчалари, яшилланган богу роглар, чап томонда эса “шамширдай яркираб” Амударё кўринди.

## КЕЛАЖАКНИНГ КЎЗЛАРИ

Термиз Давлат университетида учрашувга интик бўлиб турган, чанкоклик билан кутаётган серхаяжон талабалар олдида сўзга чикаркан, Абдулла ака бир гўзал ташбех ишлатдилар: “Мен сизнинг кўзларингизда келажакнинг, она Ватанимиз истикболининг нурли кўзларини кўраман. Бугун давру даврон сизники, имкон сизники, факат илм олмок, ўкимок керак”.
Мамлакатимизнинг кўпгина олий ўкув юртлари катори бу илм даргохи хам мустакиллик йилларининг илк кийинчиликларидан ўтиб, том маънода Университет макомига етишган. Профессор-ўкитувчилар, талабалар мамлакатнинг ижтимоий, илмий, маданий-маърифий хаётига фаол аралашмокда. Университет 2002 йилдан буён Осиё университетлари Федерациясининг аъзоси.  Шунингдек Жанубий Кореядаги Сун Мун ва Кенг Бук университетлари билан мунтазам хамкорлик килиб келмокда.
Адабиётимиз, шеъриятимизга бўлган талабаларнинг кизикиши, ихлос-иштиёки гоят хаяжонли. Ижодкор ёшлар кўп. Ёш адабиётшунос домла Нормат Йўлдошевнинг саъйи-харакати билан ўнлаб каламкаш талабаларнинг ижодий изланишлари жамланган “Истиклол умидлари” алманах-тўплами чоп этилди. Тўпламга Кахрамон олимимиз, домла Озод Шарафиддинов катта умид ва ниятлар билан сўзбоши ёзибдилар. Бу ёшлар орасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Зомин ёш ижодкорлар семинарида биринчи ўринни олган Шохиста Мамараимова, Шодмонкул Саломов сингари истеъдодлар бор.

Ёшлари Абдулла аканинг 17-18 йил олдин ёзилган шеърлари билан тенг, Истиклолнинг илк йилларида мактабга бориб, мана энди университетда тахсил олаётган бу серзавк, ташнакалб ўгил-кизлар учун Мустакиллигимизнинг илк Кахрамон шоирининг бу ерга кадам ранжида килиши, ижодий учрашувлар хакикий шеърият байрамига, жонли адабиёт дарсларига айланди.
... Кўзлар, ёш йигит-кизларнинг хайратли кўзлари. Осмондаги юлдузлар билан тиллашиб, сўйлаша оладиган чакнок-порлок кўзлар. Ою куёшларга хавас узатгувчи чехралар, юзлар. Уларнинг хар бирида она Ватан мехру мухаббати жо, орзу умидлар зиёси чакнайди. Устоз шу кўзларга караб шеър айтадилар:

Халкимнинг истиклол ахди мангудир,
Буюк давлатимнинг тахти мангудир.
Келажак кўзимиз кароги бўлса,
Жажжи фарзандларнинг бахти мангудир.

## ШАФОАТНИНГ ШАФОАТИ ЁХУД
## ОЗОД СЎЗ СЕВИНЧЛАРИ

Сурхон вохасининг камтар шоири, чопон кийгизсалар, чопоннинг ичида хам ўйгайсизланиб, хижолатдан кўринмай коладиган, ўзидан хам ийманадиган бир беозор инсон. Усмон Азим “Худо ёккан чирогим” деб дуруст таърифлади. Яна “Энкайган, пасайган осмон остида хам энкаймай, эгилмай яшаган, эл шоирига айланган ўз огам!” деди. Термизийлар шажарасига боглаб сўзлаганда Эшкобил Шукурнинг кўзларида ёш калкиди. Вилоят хокимияти чопон ёпиб, иззат кўрсатди. Талабалару домлалар, раислару полвонлар, чавандозлару миршаблар. У киши бўлса хижолатда, кизаринибгина ўтирибдилар. Умр бўйи сўзга иззат кўрсатган, мана энди сўзининг иззатини кўраётган шоир. Консерваторияда ўкиб артист бўлмай шеъриятга, шоирликка кайишиб кетган, талабаларга дарс бериб, яна “Мусика услубиёти”, “Мусика алифбоси” деган кўлланма дарсликларни хам келиштириб ёзган мехнаткаш муаллим, шу йилдан бошлаб университет профессори — Шафоат Рахматуллаев, Шафоат Рахматулло Термизий.
Дарвоке, исм хакида. Элда “Оллохнинг шафоати ила” деган кадим гап бор. Исм хам шу сабабли кўйилган. Асли арабча сўз, “Навоий асарлари лугати”да “Воситачилик, ўртада туриб восита бўлиш” деган маънолари берилган.
Шунинг учун Термизлик истеъдодли адиба Жамила Эргашеванинг “Хаммаларинг кандай кеп колдинглар-е?!” деган саволига Рустамкул “Шафоат аканинг шафоати билан-да” дея жўяли жавоб килди.
Энди “Озод сўз” хакида. Шу пайтгача шоирнинг “Жануб шамоли”, “Умид остонаси”, “Гулоб” номли шеърий тўпламлари чоп этилган. “Озод сўз” — сайланма китоби якиндагина босмадан чикди. Китобнинг номи — рамзий. Ватани озодликка, хурриятга етишган, эли хам, Сўзи хам озод бўлган шоирнинг китоби, озод сўзи. Бу сўзнинг армонлари бор эди, энди-да севинчларга айланди. Унинг хижрон изтироблари мўл эди, энди дийдор кувончларига айланди. Шу ўртада бир киши бир гап айтди, яхши айтди:

“Озод юртнинг озод сўзи озод шоирларга муборак бўлсин!”

Хорижий сафларда юксалтсам байрок,
Жахон айвонида гар тилим сайрок.
Ватанга дахлдор, Ватан — аъмолим,
Тил, Тугром, Байрогим — Ватан жамолим.
Авлодимга бешик, аждодимга кабр,
Шу она Ватандир, озод Ватандир.
Дунёда мен топган энг олий кадр,
Факат шу мукаддас Ватанга тандир.

## ЎРТАМИЗДА БИРГИНА ЛОЛА

Кўпчиликнинг таклифи билан сафаримизни бир зиёрат билан бойитмокка карор килдик. Термиз якинидаги Амударёга ёндош Хаким ат-Термизий бобонинг хаммаёги озодагина супуриб-сидирилган макбараларига келганимизда, мактаб ўкувчилар гужгон экан. Абдулла акани таниб, хаммалари чувиллашиб колишди. Зиёратнинг таомилини бажариб бўлгач яна мозий, Термизийлар хакида сухбатлар бошланди, пича вакт тарих каърига шўнгиб чикдик. Манбаларда келишича, Хаким ат-Термизий макбарасини 1390 йилнинг рамазон ойида (август-сентябрь) Сохибкирон бобомиз курдирганлар. Яна бир тарихий маълумот: Термизлик тарихчи олим Жалолиддин Мирзонинг “Термиз тарихи” китобида келтирилишича, Темур бобо 1384 йилнинг бахорида Термиз якинидан Амударё узра кўприк хам солдирадилар. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида бу хакда аник-таник айтилган. Давру замонларнинг эврилишини карангки, бу манзилу маконларнинг яна бир кайта обод бўлмоги учун 600 йилдан зиёд муддату яна бир Темурийзоданинг келмоги лозим  бўлибди.
Зиёратгохдан чикиб, ўрама бўлиб окаётган Амударё томонга эндик. Абдулла ака “Амударёни кўриб буюклигимни билиб колдим” деганларидек, дарёнинг хайбати кишини лол колдиради.
Чегарамизнинг сим тўсиклари, чегара худуди, дарё, у ёги — Афгонистон. “Навоий бобомиз ўша ёкда ётибдиларда-а? дея ёш шоирлардан бири савол ташлади. Хаммамиз ўша томонларга караймиз. Абдулла ака хазратни эслайдилар: “Навоий хам ётар то субхи махшар тарки хоб айлаб”.
Сим тўсиклар бўйлаб кетган йўлдан секин юриб борамиз. Ногахон бир дўнгликкинада хилпираб турган лолакизкалдокка кўзимиз тушади. Бир ажибгина, бир ёлгизгина. Худдики Мир Алишер бобомизнинг газалидан чикиб келгандай. Бахору тириклик, эзгулик ва омонликнинг белгиси, тимсолидай. Кейин, дўнгликлар ёнидан паст-баланд бўлиб, елкаларида куроллари, жануб шамолида ранглари корайган икки чегарачи аскар чикиб келади. Уларнинг гапириши, улар билан сўзлашиш харбий коидаларга тўгри келмаса-да, Абдулла акани таниб колиб, салом беришди. Бирови Фаргонадан, иккинчиси тошкентлик экан. Гавдалари чайир, кўллари, билаклари машкларда тобланган. Устоз хурсанд бўлиб

кетдилар. “Ана бизнинг посбонларимиз, Ватанимизнинг аскарлари!” дедилар. Тилак билдириб, ота-оналари багрига сог-омон кайтишларини ният килдилар. Захирадаги зобит шоиримиз Усмон азим “Хеч нарсадан кўркманглар, биз хам сиз билан биргамиз!” дея харбийчасига хайрлашди. Аскарлар чегара бўйлаб кетишди, биз хам йўл-йўлакай сухбатларимиз, таассуротларимизни сўйлаб Термизга кайтдик.

* *  *

Она тупрок. Она юрт. Момо ер. Катлам-катлам шараф-шон, катлам-катлам валилар, пирлар ётган азиз тупрок. “Шунданми бу юртда мени кўрсангиз, ерни босолмайман, учганим учган” дейди шу юртнинг шоири.
Абдулла ака воха ижодкорлари билан учрашувларда сўз масъулияти, ёзувчиларнинг бугунги кундаги бурч ва вазифалари хакида гапирар экан, максад улугворлиги, ниятларнинг мукаддаслигини кайта-кайта таъкидлагани бежиз эмас. Биз юрт номидан сўйлар эканмиз, демак, Сўзимиз хам шунга яраша салмокли бўлмоги лозим. Фарзандлик Бахти билан бирга фарзандлик Бурчи хам бор. Демакким, элнинг гурурини баланд кўтарадиган, юртнинг маънавий шарафи, камолини юксалтирадиган асарлар ёзилмоги керак бўлади.
Термиздаги сухбатлар, учрашувлар хеч тугамайдигандек.
Уларда шу тупрокда тугилиб-ўсган, мархум бўлиб кетган Теша Сайдалиев, Менгзиё Сафаров сингари шоир ва ёзувчиларнинг номлари хам кўп маротаба тилга олинди. Айни пайтда Тошкентда яшаб ижод килаётган сурхонлик адиблар хусусида хам илик гаплар айтилди. Бу гурунг ва давралардан хар ким ўзига яраша ижодий режалар, янги илхом, янги рухланишлар олиб кайтаётгани шак-шубхасиз эди. Тайёрамиз Термиз аэропортидан хавога кўтарилар экан, пастда Сурхон вохасининг яшилланиб ётган боглари кўл силкиб колгандай бўлдилар. Бахор шамоллари эса кид-адирлардан тириклик богларига янги муждалар олиб елмокда эдилар.

Менинг Ватан ичра Ватанларим бор,
Мангу завол билмас чаманларим бор.
Бухорийлар каби хазиналарим,
Термизийлар каби маъданларим бор.

2002

Сирожиддин Саййид